

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА ГАВХАР ХУСАНОВНА

**КЎРУВ НЕРВИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-
ТАШХИСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
АСОСЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хамраева Гавхар Хусановна

Кўриш нерви яллиғланиши касалликларининг клиник-ташхисий хусусиятлари ва комплекс даволашни асослаш 3

Хамраева Гавхар Хусановна

Клинико – диагностические особенности и обоснование комплексного лечения воспалительных заболеваний зрительного нерва..... 19

Khamraeva Gavkhar Khusanovna

Clinical and diagnostic characteristics and substantiation of the complex therapy for inflammatory diseases of the optic nerve 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХАМРАЕВА ГАВХАР ХУСАНОВНА

**КЎРУВ НЕРВИ ЯЛЛИҒЛАНИШИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ КЛИНИК-
ТАШХИСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
АСОСЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib48 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Касимова Мунираҳон Садикжановна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Young Kwang Chu тиббиёт фанлар доктори Бузруков Ботир Тулкунович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Нью-Йорк оптометрия коллежи давлат университети (АҚШ)

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.27.06.2017 Tib.30.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__»_____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: +99871- 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2 уй. Тел/факс: +99871-150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «__»_____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ва РФ ФА академиги,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Д. Суннатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.А. Бахритдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда кўрув нерви ялиғланиш касалликларини (КНЯК) ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига қараганда, кўрув нерви ялиғланиш касалликлари асоратлари кўз касалликлари бўйича ногиронлик кўрсаткичининг 28% ни ташкил этади. Бу касалликнинг меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида тарқалиши, касалликнинг оғир кечиши ҳамда 20% дан 40% гача ҳолларда атрофия ривожланиши натижасида кўрув нерви (КН) фаолиятининг тикланмас бузилиши 22% дан ортиқ ҳолларда ногиронликка ва меҳнат қобилиятининг йўқолишига олиб келади, бу эса беморларнинг яшаш сифатини пасайтиради¹. Кўрув нерви ялиғланиш касалликлари турли босқичларининг кечиш хусусиятларини илмий тадқиқотлар натижасида аниқлаш билан кўрув нерви ялиғланишини эрта ташхислаш ва даволаш йўлларини оптималлаштириш замонавий офтальмологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида КНЯКни ташхислашда янги, юқори маълумот берувчи ва қўлланилиши осон усулларни ишлаб чиқиш тиббиётнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. КНЯКнинг атрофия босқичига ўтишининг клиник кўриниши ноаниқ бўлганлиги, нерв толаларинининг шикастланишидан сўнг кўз тубида кўрув нерви дискининг оқариши билан намоён бўлиши қайтариб бўлмайдиган, яъни кеч ташхисланган ҳолатларда аниқланган. Бугунги кунда кўз тубидаги ушбу нейродегенератив ҳолатларни аниқлаш усуллари етарлича ўрганилмаганлиги бу касалликни эрта ташхислаш муаммосининг долзарблигини белгилайди. КНЯКни даволаш тактикасини танлаб олиш ҳозирга қадар айрим муаммоларни юзага келтирмоқда. Бунинг сабаби касалликнинг турли этиологиялиги, патогенези мураккаблиги ва нейроҳимояловчи дори воситалари ўткир ялиғланиш давридан сўнг буюрилишидадир. Адабиётларга кўра бу даврга келиб 36% нерв толалари нобуд бўлиши аниқланган². Шу сабабли КНЯКни эрта ташхислашни такомиллаштириш йўллари ва юқори самарали даволаш чораларини ишлаб чиқиш масалалари ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш борасида мақсадли чоралар амалга оширилди. Кўз касалликлари шифохоналарида замонавий юқори технологияларнинг қўлланилиши замирида кўз касалликларини эрта ташхислаш ишлари ижобий томонга ўзгарди. Бу борада Республикамизда кўрув нерви касалликларининг ҳавф омиллари, этиопатогенези, диагностикаси, даволаш ва профилактикасига бағишланган клиник илмий ишлар олиб борилмоқда. Амалга оширилган тадбирлар натижасида кўрув нерви касалликларининг қайталаниши 18% га, касаллик асоратлари натижасида келиб чиқувчи ногиронлик даражаси 34% га

¹ Fathi Afify, Nabil Hussein, Sayed El-Zayat. Early changes in the normal appearing white matter by diffusion tractography in patients with acute demyelinating optic neuritis// Nature and Science 2015;13 (5) P. 175-180.

² Visual Function 15 Years after Optic Neuritis A Final Follow-up Report from the Optic Neuritis Treatment Trial. / Optic Neuritis Study Group //Ophthalmology. 2008. V.115. P.1079-1082.

камайган. Соғлиқни сақлаш тизимида мақсадли тадбирлар ўтказилишига қарамай, ҳозирда ҳам офтальмология соҳасида ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд. 2017 йилда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг қабул қилиниши, айниқса унинг тўртинчи йўналиши – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни амалга оширишда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди³. Шунга кўра, КНЯКни эрта ташхислаш ва даволашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш илмий ишнинг долзарб йўналишларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 сонли «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда тарқоқ склерозда КНЯКнинг клиник кўриниши ва ташхислаш алгоритми ёритиб берилган (Романова Е.В., 2002), кўрув нерви касалликларини ташхислаш учун компьютерлаштирилган тизим тавсия этилган (Иойлева Е.Э., 2002), кўрув нерви невритларини ташхислаш учун ультратовуш текширувининг клиник аҳамияти аниқланган (Курицина О.А., 2004), кўрув билан боғлиқ потенциалларни топографик картирлашнинг кўрув йўллари касалликларини ташхислашдаги роли аниқланган (Кривошеев А.А., 2008), ретробульбар невритларнинг сурункали кечиши хавф омиллари аниқланган (Костив В.Я., 2009), тарқоқ склерозда кўрув анализаторини текшириш усуллари такомиллаштирилган (Коваленко А.В., 2010). Ўтказилган бир қанча изланишларга қарамай, КНЯКнинг патогенетик механизмлари ва касалликнинг кечиш босқичлари тўлиқ ёритиб берилмаган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Кўрув нерви касалликларини эрта ташхислаш ва даволаш усуллари профессор Комилов Х.М. бошчилигида ишлаб чиқилган. Профессор ва унинг шогирдлари томонидан (Касимова М.С., 2009) дистанцион периметрия

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

асослари, КН ишемик касалликларини ташхислаш алгоритмлари тузилган. Бироқ КНЯКни ташхислашда янги клиник-морфологик тамойилларни асослашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ҳозирги кунда магнит-резонанс томографиянинг диффузион йўналиши асосида пайдо бўлган янги услуби маҳаллий ва чет эллик изланувчиларни қизиқтириб, унинг ёрдамида бош мия оқ моддасининг микроструктур хусусиятларини баҳолашга кенг имкониятлар очилди. Бу борада бош миёдаги ўзгаришларни ташхислашда диффузион МРТнинг аҳамияти ёритиб берилган (Jenkins T.M. ва ҳаммуаллифлар, 2010), демиелинизация сабабли КНЯКда кўрув йўллариининг зарарланишини ташхислашда МР-трактографиянинг муҳим аҳамияти аниқланган (Zayed N.M. ва ҳаммуаллифлар, 2010), КНЯКда in vivo аксонал бузилишлар ва демиелинизация биомаркерлари ҳақида айрим маълумотлар келтирилган (Trip S.A., Schlottmann P.G., Jones S.J., 2007). Лекин МР – трактография усулининг кўрув нерви яллиғланиш касалликларини ташхислаш ва прогнозлашдаги имкониятлари юзасидан аниқ бир хулосага келинмаган. Бу эса КНЯКни ривожланиши асосида ётувчи бош миёдаги структур ўзгаришларни ўрганиш ва оптимал ташхислаш мажмуини такомиллаштиришни талаб этади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, КНЯКни ташхислашда янги клиник-морфологик тамойилларни асослаб бериш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш, КНЯКнинг этиопатогенетик сабаблари ва ташхислаш муаммоларини ўрганиш, КНЯКни ташхислашда функционал нейровизуализация усулларини такомиллаштириш, КНЯКни янги даволаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Умумий жаррохлик ва тезкор ёрдам кўрсатишда янги технологиялар» мавзусидаги илмий ишлар режаси асосида бажарилган (Давлат қайд рақами №02090009, 2014-2016 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади кўз клиник-функционал кўрсаткичлари асосида касаллик босқичига қараб кўрув нерви яллиғланиши касаллигининг кечиш хусусиятларини аниқлаш ҳамда уни даволаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

КНЯКнинг босқичига кўра кўрув нерви ҳолатининг клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш;

КНЯКни ташхислашда нейровизуализация усулларининг (МРТ ва МР-трактография) аҳамиятини аниқлаш;

кўзнинг клиник-функционал кўрсаткичларига асослаиб КНЯКнинг турли босқичида комплекс даволаш чоралар самарадорлигини ўрганиш;

КНЯК билан касалланган беморлар учун ташхислаш алгоритми ва даволаш услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида КНЯК ташхисли 186 нафар бемор (271 та кўз) ва назорат гуруҳига 20 нафар амалий соғлом шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предметини КНЯК ташхисли беморларнинг ва соғлом шахсларнинг клиник, офтальмологик, нейровизуализация, лаборатор таҳлиллар натижалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида умумий клиник, офтальмологик (умумий ва махсус), нейровизуализация, лаборатор ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

КНЯКнинг ўткир яллиғланиш босқичлари атрофия ҳолатига ўтишининг объектив кўрсаткичлари чақирилган кўрув потенциаллари (ЧКП) ва МР-трактография усуллари асосида аниқланган;

МР-трактография ва ЧКП ёрдамида КНЯКда яллиғланиш ва атрофик жараёнлар учинчи нейрондан тўртинчисига ўтиши ҳамда қайтариб бўладиган ёки қайтарилмас ҳолда кечиши аниқланган;

касаллик босқичига қараб оптик когерент томография (ОКТ) ёрдамида тўр парданинг перипапилляр нерв толалари қавати, нейроретинал бўғин ва макуляр соҳаларининг ўзгаришлари, шу билан бирга латентлик ва амплитуда кўрсаткичлари ўзгариши аниқланган;

КНЯКда эрта нейропротекторлар билан даволаш зарарсизлиги ва самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Касаллик босқичларини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган дифференциал-ташхислаш тизими ҳозирги замон технологияларига асосланган бўлиб, КНЯКни ташхислаш ва келиб чиқиш сабабларини аниқлаш имконини берди;

КНЯКни турли босқичларини ташхислашда ОКТ, ЧКП, МР-трактография усулларининг аҳамияти ёритилиб берилган;

КНЯКнинг этиологияси ва касаллик босқичларига қараб клиник-функционал дифференциал-ташхислаш кўрсаткичлари аниқланган;

КНЯКни даволаш принциплари, яъни эрта нейропротекторларни қўллаш, касаллик босқичига, этиологиясига қараб дифференциал ёндашиш каби принциплар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Изланишлар натижалари ҳаққонийлиги ишда қўлланган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти клиник тадқиқотнинг назарий асосланганлиги, касалликнинг кечиши ва пайдо бўлиши мумкин бўлган асоратлари ўрганилганлиги, янги текширув ва даволаш услублари алгоритмларини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан белгиланади.

Изданишнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми республика амалий офтальмологиясида истиқболли йўналиш ҳисобланиши, КНЯКни тўғри ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширганлиги, КНЯКни ташхислашда МР-трактографияни қўлланилиши нейродегенератив жараён тарқаланиши сифат ва сон кўрсаткичларда аниқлашга имконият яратганлиги, бу эса КНЯКда кўрув нервининг қисман ёки тўлиқ атрофияси каби асоратининг олдини олишда ёрдам берганлиги ҳамда кўрлик ва ногиронликлар сонини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. КНЯК ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўрув нерви ялиғланиши касаллиги билан хасталанган беморларни даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида Интеллектуал мулк агентлигининг “Кўрув нерви ялиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини баҳолаш усули”га ихтиро патенти олинган (№ IAP 2014 0513; 15.02.2017). Даволаш чора-тадбирлари кўрув нерви ялиғланиши касаллиги билан хасталанган беморларни шифохонада даволаниш муддатини ўртача 2,5 кунга қисқаришига олиб келди ҳамда қайталанишлар сонини 2-3 марта камайтириш имконини берди;

«Оптик невритли беморларда жуфт кўзни касалланишини эрта ташхислаш» услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, Республика офтальмологик клиник шифохонасига, 1-сон шаҳар болалар шифохонасига, Андижон ва Самарқанд вилоят офтальмологик шифохоналарига илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 9 декабрдаги 8Н-д/75-сон маълумотномаси). Олинган натижалар КНЯКни ташхислаш сифатини яхшилаш ҳамда даволаш услубларини оптимизациялашга имкон яратиб, кўрув нерви невритидан кейинги асоратларнинг олди олинган, шунингдек шифохонада ётиш ўрин кунини 1,7 баробар камайтиришга эришилган. Жорий қилинган кўз ёши суюқлигини иммунологик текшириш усулини қўллаш КНЯКни ташхислаш сифатини 38 %га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўрув нерви яллиғланиш касалликларида замонавий ташхислаш ва даволаш муаммолари»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда касаллик этиологияси ҳақида замонавий маълумотлар, касалликнинг патогенези, босқичларга бўлиниши, касалликнинг клиник кечиши, янги нейровизуализация услублари, КНЯКни даволаш бўйича замонавий йўналишлар, нейропротекторлар билан даволашнинг аҳамияти таҳлил қилинган. Боб сўнгида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг **«Материалларнинг клиник характеристикаси ва қўлланган текширув усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услублари баён этилган. Ишда Республика клиник офтальмология шифохонасида 2012 - 2015 йилларда даволанган КНЯКли 186 нафар бемор (271 та кўз) нинг текширув натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг 78 нафарини эркаклар, 116 тасини аёллар ташкил этди. Беморлар 5 ва 60 ёш оралиғида бўлиб, аёлларда ўртача ёш – $29,9 \pm 1,18$ ни, эркакларда эса $31, 3 \pm 1,68$ ни ташкил этди.

Г.Д Жабоедов таснифига (2006 йил) биноан 174 бемор (247 кўз) КНнинг яллиғланиши даврига қараб тўрт гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ (79 та кўз) – кўрув нерви дискининг (КНД) гиперемия даври, 2-гуруҳ (76 та кўз) – КНДнинг шиш даври, 3-гуруҳ (70 та кўз) – КНДнинг ишемия даври, 4-гуруҳ (22 та кўз) – касалликнинг глиоз-атрофик даврини ташкил этди. Назорат гуруҳини 20 та амалий соғлом шахслар ташкил этди.

Даволаш усулларида боғлиқ равишда беморлар 5 гуруҳга бўлинди.

Назорат гуруҳи – 12 та беморга (24 та кўз) анъанавий даволаш: яллиғланишга қарши, шишга қарши, десенсибилизацияловчи, антибиотиклар ва кўрсатма бўлганда вирусга қарши даволаш ўтказилган.

Асосий 4 гуруҳдаги 174 та беморга (247 кўз) комплекс даволаш нейропротекторлар билан бирга ўтказилди. Комплекс даволашнинг анъанавий даволашдан асосий фарқи – бу касалликнинг босқичига ва этиологиясига қараб даволашга дифференциал ёндашув ва нейропротектор препаратларини эрта қўлланилишидир, яъни беморни шифохонага қабул қилинган биринчи кундан бошлаб бу препаратлар қўллана бошланган.

Таклиф этилаётган даволаш схемаси қуйидагиларни ўз ичига олган: этиологик даволаш – вирусга қарши даволаш чоралари, яллиғланиш ўчоқлари санацияси (этмоидит, сфеноидит, тонзиллит, отит); асосий касалликни даволаш,

яъни токсоплазмоз, сил касаллиги, буйрак касалликлари, аутоиммун ҳолатларини; яллиғланишга қарши терапия: глюкокортикостероидлар, ностероид яллиғланишга қарши препаратлар ва антибиотиклар; дегидратацион, десенсибилизация, дезинтоксикацион ва нейротекторлар билан даволаш.

Барча беморларга комплекс текширувлар ўтказилган, шу жумладан стандарт офтальмологик усуллар (визометрия, тонометрия, рангларга периметрия, қорачиқ реакцияларини текшириш, офтальмоскопия), махсус офтальмоскопик текширувлар: оптик когерент томография (ОКТ, “Carl Zeiss” фирмаси, АҚШ), компьютер периметрияси (Humphrey Field Analyzer 740 i “Carl Zeiss” фирмаси, АҚШ), А/В сканерлаш, авторефрактометрия, офтальмодопплерография; махсус текширув усуллари: бош мия ва орбитанинг МРТ текшируви ҳамда МР-трактография (BRIVO-355 / 1,5 Tesla GE, АҚШ), чақирилган кўрув потенциалларини текшириш (“Нейрон-Спектр 4-ВПМ” фирмаси, Россия); лаборатор усуллар: умумий иммунограмма, умумий қон ва сийдик таҳлили, пешобнинг Нечипоренко усулидаги таҳлили, ревмопробалар, қонни герпес вирусга, цитомегаловирусга, токсоплазмага, LE хужайраларига, бруцеллез, туберкулезга текширувлари ўтказилган.

МР-трактография ускунасида трактограммалар реконструкцияси махсус программа – Neuro 3D ёрдамида ўтказилган. МРТ расми олингандан сўнг қизиқтирувчи бўлим – кўрув нерви (КН) ва кўрув ёйлари (КЁ) ажратилди ва унда трактограмма реконструкция қилинган. Сўнг фракцион анизотропия кўрсаткичи (ФА) ва ўлчанаётган диффузия коэффиценти (ЎДК) таҳлил қилинди.

Олинган маълумотларга Microsoft Excel 2016, Statistica 7.0 стандарт дастурлар пакети ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Кўрув нерви яллиғланиш касалликлари билан оғриган беморларда кўрув аъзосининг клиник-функционал ҳолатини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида КНЯКни босқичларига қараб КН ўзгаришларини клиник-функционал ҳолати баҳоланган.

Проспектив таҳлилга кўра кўрув нерви неврити (КНН) яллиғланиш этиологияли беморлар (174 та бемор, 247 та кўз) асосан ранг ажратиш қобилияти бузилганлигига – 229 та кўз (92,7%) ва кўрув ўткирлиги пасайганлигига - 222 та кўз (90%) шикоят қилган. Шу билан бирга предметни кўриш йўқолганлиги - 21 (8,5%), кўз соққаси ҳаракатланганида оғриқ ва оғирликни сезиш - 46 (18,6%), кўз олдида доғ пайдо бўлганлиги - 52 (21%) беморларда кузатилган.

Кўрув ўткирлиги кўрсаткичлари КННли беморларда патологик жараённинг даражасига қараб ўзгарган. 1-гурухда кўрув ўткирлиги $0,48 \pm 0,04$ га тенг бўлган, 2-гурухда - $0,29 \pm 0,04$, 3-гурухда - $0,24 \pm 0,03$ га ва 4-гурухда - $0,06 \pm 0,01$ га тенг бўлган. Шунини таъкидлаш лозимки, 2-гурухда кўрув ўткирлиги 0,1 дан баланд бўлиши 59,2% ҳолларда аниқланган, шулардан 0,7 дан баланд бўлиши 14,5% да кузатилган. 3-гурухда кўрув ўткирлиги 0,1 дан баланд бўлиши 57,1% ни ташкил қилди, аммо 0,7 дан баланди фақат 7% да аниқланди. 4-гурухда асосан жуда паст кўрув (0,01-0,09) – 72,7% да ва улардан фақат 27,6% да кўрув ўткирлиги 0,1 дан баландлиги аниқланган.

Кўрув майдонининг оқ рангга 8 меридиан бўйича умумий чегаралари 1-гуруҳда $363,3 \pm 14,12^\circ$ ни, 2-гуруҳда $299,2 \pm 18,57^\circ$ ни, 3-гуруҳда $316,1 \pm 16,48^\circ$ ни, 4-гуруҳда $244,5 \pm 33,9^\circ$ ни ташкил этди. Кўрув майдонининг рангли текширувида 1, 2, 3-гуруҳларда қизил рангга инверсия кузатилган: кўрув майдонининг қизил рангга чегаралари кўк рангга нисбатан торайган.

Марказий кўрув майдонининг статик периметрияси юқори сезувчанликка эга текширувлардан бири ҳисобланиб, бунда кўрув ўткирлиги юқори бўлган беморларда ҳам тўр парданинг ёруғлик сезгирлиги пасайганлиги аниқланган. Шу билан бирга, касаллик ривожлангани сари тўр парданинг ёруғлик сезгирлигининг ўртача қиймати (MD) пасайганлиги ва паттерн стандарт ўзгариши кўрсаткичи (PSD) кўтарилганлиги кузатилган.

Кўз қорачиғининг ёруғликка тўғри реакцияси 226 та (91,5%) кўзда сушт бўлган, қорачиқлар биргаликдаги реакцияси 234 та (94,7%) кўзда сақланган, қорачиқларнинг конвергенция ва аккомодацияга реакцияси 98 та (39,6%) кўзда суштлашган. Демак, КННда кўрув ёйининг афферент қисми шикастланади, шу сабабли қорачиқни ёруғликка реакцияларининг текшируви бу хасталиқни ташхислашда катта аҳамиятга эгадир.

Кўз олмасининг ультратовуш текширувида 2- ва 3-гуруҳ беморларда шишасимон танада яқка хиралашишлар ва тўр парданинг контурлари КНД атрофида нотекис бўлганлиги аниқланди. 2-гуруҳнинг 83,7% ва 3-гуруҳнинг 83,1% ҳолларида КНДни шишасимон танага бўртиши кузатилган ва шу билан бирга кўрув нерви эхогенлиги 55,4% (2-гуруҳ) ва 66,2% га (3-гуруҳ) пасайганлиги аниқланди.


Кўз туби офтальмоскопиясида КНД қизариши 1- ва 2-гуруҳларда, оқариши 3- ва 4-гуруҳларда аниқланди. КНД шиши 2- в 3-гуруҳларда кузатилди, барча гуруҳларда КНД чегаралари ноаниқ эди, физиологик экскавация аниқланмади. 2- ва 3-гуруҳларда тўр парда перипапилляр шиши кузатилди.

Тўр парда ва КН морфологик тузилиши ОКТ усули ёрдамида текширилди ва касаллик босқичларининг таққослама-ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилди. ОКТ да тўр парда нерв толаларининг (ТПНТ) ўртача қалинлиги ҳақида маълумот олинди. 1-гуруҳда ТПНТ қалинлиги кўрсаткичлари назорат гуруҳиникига ўхшашлиги аниқланди, 2-гуруҳ беморларда бу кўрсаткич 3 баробар катталашди ($p < 0,05$), 3-гуруҳда 37% га, 4-гуруҳда эса 11% га ТПНТ қалинлиги камайганлиги аниқланди (1а-расм).

Нейроретинал халқа (НРХ) қалинлигининг таҳлилида 1- ва 4-гуруҳ беморларда бу кўрсаткич назорат гуруҳидан ишончли фарқ қилмади. 2-гуруҳ беморларда бу кўрсаткич 82% га, 3-гуруҳда 54 % га кўтарилди (1б-расм). Демак, КНД шиши ошган сари НРХ қалинлиги ҳам ошиб бориши кузатилган. Худди шундай мувофиқлик макуляр ҳажм бўйича ҳам кузатилган. ТПНТ қалинлигининг 4 та квадрант бўйича таҳлилида ҳам худди шундай ўзгаришлар аниқланган (2-расм).

ОКТ ёрдамида касалликнинг ўткир даври бўлган 90,1% ҳолатда КНД да ўзгаришлар борлиги аниқланган, бу эса перипапилляр ТПНТ қалинлиги КНД


шишида ошганлиги ёки сурункали КНН да юпқалашганлиги билан ифодаланди. Бу усулнинг сезгирлиги 90,1% ни, спецификлиги 92 % ни ташкил этди.



а)

б)


1-расм. ОКТ кўрсаткичларининг гуруҳларда солиштирма таҳлили: а) ТПНТ нинг максимал ва минимал кўрсаткичлари. б) НРХ нинг максимал ва минимал кўрсаткичлари.



2-расм. ТПНТ қалинлигининг 4 та квадрант бўйича таҳлили.

Электрофизиологик текширув натижаларига кўра КНН ли беморларнинг 92,9% да ЧКПнинг Р100 латентлик кўрсаткичи турли даражада ошганлиги аниқланган. Латентликнинг Р100 кўрсаткичи 1-гурухда назорат гуруҳига нисбатан 7% га юқорилиги аниқланди. 2- ва 3- гуруҳларда, яъни шиш ва ишемия босқичларида бу кўрсаткич 10,5% ва 20,6% га, 4- гуруҳда эса 24,5% га ошган (3а-расм). Латентликнинг ошиши КН миелин қаватининг шикастланганлиги ва потенциаллар ўтказувчанлиги пасайганлигини билдиради. ЧКПнинг амплитуда кўрсаткичи таҳлилида 1- ва 2-гурухда бу кўрсаткич 41,8% ва 60,2% га ошганлиги, 3- ва 4-гурухларда эса 31,6% ва 62,5% га пасайганлиги аниқланган. Бу эса 3- ва 4-гурухларда нерв толаларининг қисман нобуд бўлганлигини билдиради (3б-расм). Аммо КННнинг 8% ҳолатида ЧКП

кўрсаткичлари назорат гуруҳиникидан ишончли фарқ қилмади. ЧКП усулининг сезгирлиги 92,9% ни, спецификлиги 84,2% ни ташкил этди.



3-расм. ЧКПнинг латентлик (а) ва (б) кўрсаткичларининг гуруҳларда солиштирма таҳлили.

Тадқиқотда КНЯКли беморларда турли характердаги КН структур ва функционал кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқлиги аниқланган. Статистик аҳамиятли корреляция ЧКП ва ОКТ кўрсаткичлари ҳамда кўрув ўткирлиги орасида аниқланган. НРХ, ТПНТ кўрсаткичларининг ўзгариши тўр пардада ёруғликка сезувчанликнинг пасайиши ва PSD кўрсаткичининг ортиши билан боғлиқлиги, ЧКП нинг P100 ва N75 латентликлари кўтарилиши ва N75-P100 амплитудасининг ўзгариши билан боғлиқлиги аниқланган.

МР-трактография ёрдамида КНЯКда бош мия ўтказувчи йўллари асосий ва назорат гуруҳларда ўрганилди. Асосий гуруҳнинг 1 гуруҳига кўрув нерви гиперемияси ва шиши босқичидаги беморлар, 2 гуруҳига ишемия ва атрофияга ўтиш босқичидаги беморлар киритилди. Назорат гуруҳини соғлом шахслар ташкил этди. КННда кўрув йўллари бўйлаб турли нуқталарида ўтказувчанлик бузилиши, яъни факат кўрув нервидагина эмас, балки кўрув тракти ва кўрув ёйлари толалари бўйлаб ҳам бузилиши мумкин ва бу МР – трактография қўлланилганда тасдиқланди. Шу жумладан, ФА хариталарида (4а-расм) 1-гуруҳ беморларда (КНДнинг қизариш ва бўртиш даврларида) ФА кўрсаткичи кўрув нервида назорат гуруҳи билан солиштирганда пасайганлиги аниқланди ($252,5 \pm 11,89$, $p < 0,0001$). Бунда ЎДК кўрсатилган зонада ФА коэффицентига нисбатан тесқари пропорционал кўтарилган ($1962,5 \pm 93,26$).

2-гуруҳ беморларда (КНДнинг ишемия ва атрофия даврларида) КНда ФАнинг пасайиши ($148,6 \pm 7,15$) аниқланди. Шунингдек, ЎДК кўрсаткичи назорат гуруҳи билан солиштирганда кўтарилгани ($2184,3 \pm 63,16$) аниқланди. Ушбу гуруҳ беморларни кўрув ёйида ишончли ФА пасайганлиги ва ЎДК кўтарилганлиги аниқланган (1-жадвал).

Кўрув йўллари сифат жихатидан баҳоланганда 1-гуруҳда (22 нафар бемор) 5 нафар беморда ўзгариш аниқланмади. 17 нафар беморда кўрув ёйига


бирикувчи энса нерв толаларининг юпқалашиши, улардан 4 нафарда эса нерв толаларининг бир қисми узилиши кузатилган.

1-жадвал

КННли беморларнинг МР-трактография кўрсаткичлари

Гуруҳлар (n - беморлар сони)	Кўрув нерви ФА кўрсаткичи	Кўрув нерви ЎДК кўрсаткичи	Кўрув ёйи ФА кўрсаткичи	Кўрув ёйи ЎДК кўрсаткичи
1 гуруҳ (n=22)	252,5±11,89*	1962,5±93,26*	518,5±16,1	854±21,6*
2 гуруҳ (n=16)	148,68±7,15*	2184,3±63,16*	492,44±14,56*	851±13,5*
Назорат гуруҳи (n=10)	369,2±5,6	1438,4±58,5	557±16,0	686,8±14,5

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,001).



4-расм. МРТ-трактография. а) ФА харита; б) уч ўлчовли режим – кўрув ёйи нерв толаларининг юпқалашиши ва бир қисми узилиши аниқланган.

2-гуруҳда (16 нафар бемор) қуйидагилар кузатилди: 4 нафар беморда нерв толаларининг қалинлиги ўзгармади, 4 та беморда кўрув ёйига бирикувчи энса нерв толаларининг юпқалашиши, 3 та беморда кўрув ёйининг олдинги толалари юпқалашиши, 5 та беморда эса кўрув ёйига бирикувчи энса нерв толаларининг бир қисми узилиши кузатилган (46-расм). Аниқланган ўзгаришлар, яъни кўрув ёйи толаларининг юпқалашиши, кўрув ёйига бирикувчи нерв толаларининг бир қисми узилиши яллиғланиш жараёнининг атрофияга ўтиш босқичида фақатгина 3-нейрон эмас, балки 4-нейроннинг зарарланиши билан кечиши мумкинлиги ҳақида фикрга келиш имконини берди, бу эса даволашда комплекс ёндашув кераклигини тақозо этади.

КНЯКни клиник, функционал ва лаборатор таҳлилларига асосланиб, бундай беморларни текшириш алгоритмлари ишлаб чиқилди, бу алгоритм тўғри ташхис қўйиш ҳамда даволаш йўналишини аниқлаб беришга ёрдам берди ва қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Беморларни текширув гуруҳига киритишга асос бўлиб КНД ранги, чегараларининг ўзгариши, физиологик экскавация ҳолати, КНД шиши, КНД чегарасидан ўтувчи қон томирларининг сонини ортиши ҳисобланди.
2. Бирламчи текширув босқичида аниқланган кўрув майдонининг ўзгариши статик периметрия ва кўрув майдонини рангларга текширишга асос бўлди.
3. Кўрув аъзоси ҳолатини баҳолаш ва касаллик босқичини аниқлаш учун ОКТ, ЧКП, МРТ ва МР-трактография ўтказилди.
4. Касалликнинг этиологиясини аниқлаш учун лаборатор текширувлари ўтказилди.
5. Организмнинг иммунологик ҳолатини баҳолаш, касаллик кечишини прогнозлаш мақсадида иммунологик текширув ўтказилди.

Диссертациянинг «КНЯК билан оғриган беморларни комплекс даволашни асослаш» деб номланган тўртинчи бобида КНЯКнинг даволаш принциплари асосланган. Комплекс даволашнинг стандарт даволашдан асосий фарқи – касалликнинг босқичига қараб даволашга дифференциал ёндашув ва нейропротектор препаратларини эрта қўллаш. Беморлар касаллик босқичига қараб 4 та гуруҳга бўлиниб, комплекс даво ва назорат гуруҳида анъанавий даво натижалари таҳлил қилинди.

Кўрув ўткирлиги динамикаси кўрсатишича, ўтказилган комплекс даволашдан сўнг 1-гуруҳда бу кўрсаткич 34% га ($p<0,001$), 2-гуруҳда 44% га ($p<0,001$), 3-гуруҳда 37% га ($p<0,001$), 4-гуруҳда эса 22% га ($p<0,001$) кўтарилган (2-жадвал). Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 23% га ошди.

2-жадвал

Даволашдан сўнг кўрув ўткирлиги динамикаси

Текширилган беморлар гуруҳлари	Даволашдан олдин кўрув ўткирлиги	Даволашдан кейинги даврда кўрув ўткирлиги		
		10 кун	1 ой	6 ой
1-гуруҳ (n =79)	0,48±0,04	0,55±0,038	0,66±0,04*	0,82±0,02**°
2-гуруҳ (n =76)	0,29±0,04	0,42±0,04*	0,54±0,02*	0,73±0,06**°
3-гуруҳ (n =70)	0,24±0,03	0,35±0,035*	0,47±0,04*	0,61±0,04**°
4-гуруҳ (n =22)	0,06±0,01	0,09±0,015	0,17±0,03*	0,28±0,06**
Назорат гуруҳи (n=24)	0,22±0,01	0,28±0,02	0,32±0,04*	0,45±0,02**

Изоҳ: * - фарқлар даволашдан олдинги гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $P<0,01$, ** - $P<0,001$), ° - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (° - $P<0,01$).

Комплекс даволаш курсини ўтказган беморларнинг кўрув майдони кўрсаткичи яхшиланганлигини кўрсатди: 1-гуруҳда бу кўрсаткич 25% га ($p<0,001$), 2-гуруҳда – 49% га ($p<0,001$), 3-гуруҳда – 37% га ($p<0,001$) ва 4-гуруҳда – 57% ($p<0,001$) га кўтарилган. Назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 17% га ошди.

ОКТ таҳлилларига кўра ТПНТ қалинлиги даволашдан сўнг 1-гуруҳда 8% га, 2-гуруҳда 37% га, 3-гуруҳда 35% га ва 4-гуруҳда 1,5% га пасайганлиги

аниқланди. ТПНТ қалинлигини 4 квадрант бўйича таҳлилида 2-гурухда даволашдан сўнг КНД перипапилляр соҳасининг юқори сегментидаги шиш 37% га, чакка квадрантида эса 52% га ишончли пасайганлиги аниқланди. Нейроретинал бўғин ва КНД юзаси кўрсаткичлари 2-гурухда 13% ва 10,5% га, 3 гуруҳда эса 20% га пасайганлиги аниқланди. 1- ва 4-гурухларда бу кўрсаткичлар сезиларли ўзгармади.


Клиник текширувларга кўра комплекс даволашдан сўнг ЧКП кўрсаткичларининг ижобий динамикаси кузатилди. Латентликнинг N75 кўрсаткичи 1-гурухда 3% га, 2-гурухда – 22% га, 3 да – 14% га, 4-гурухда – 24% га пасайганлиги аниқланди. Латентликнинг пасайиши КНнинг миелин қаватида ўтказувчанлик яхшиланганини билдиради. Латентликнинг P100 кўрсаткичи динамикаси таҳлилида 1- ва 2-гурух беморларда бу кўрсаткичнинг нормагача пасайиши аниқланди (3-жадвал). ЧКПнинг N75-100 амплитудаси даволашдан сўнг 1-гурухда 1,68 мкВ (12%) га ва 3-гурухда 1,97 мкВ (27%) га кўтарилди. 4-гурухда 21% га ошди. Амплитуданинг ошиши КН аксонларининг тикланишидан далолат беради.

3-жадвал

Даволашдан сўнг ЧКП латентлик ва амплитуда кўрсаткичлари динамикаси


Текширилган беморлар гуруҳлари	Даволашдан олдин ЧКП латентлиги	Даволашдан кейин ЧКП латентлиги	Даволашдан олдин ЧКП амплитудаси	Даволашдан кейин ЧКП амплитудаси
1-гурух (n =28)	78,79±1,07	77,9±0,95	12,73±1,06	12,43±1,2
2-гурух (n =21)	82,13±2,02	63,88±14,1*	13,1±0,93	17,14±1,75*
3-гурух (n =26)	92,95±3,61	80,04±4,39*	7,35±0,75	10,1±1,7
4-гурух (n =15)	122,5±13,5	92,85±1,35*	5,07±0,31	6,13±0,4

Изох: * - фарқлар даволашдан олдинги гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05).



5-расм. Бемор Н., 1977 й. бош мия МР-трактографияси: а) даволашдан олдин – кўрув ёйига бирикувчи энса нерв толалари юпқалашган; б) даволашдан сўнг – кўрув ёйида патологик ўзгаришлар топилмади (асосий гуруҳ).

МР-трактография таҳлиliga кўра комплекс даводан сўнг асосий гуруҳда кўрув ёйида патологик ўзгаришлар топилмади (5-расм). Назорат гуруҳида эса кўрув ёйига бирикувчи нерв толаларининг бир қисми узилиши кузатилган (6-расм).



6-расм. Бемор М., 1972 й. бош мия МР-трактографияси: а) даволашдан олдин – кўрув ёйига бирикувчи энса нерв толалари юпқалашган; б) даволашдан сўнг – кўрув ёйига бирикувчи нерв толаларининг бир қисми узилган (назорат гуруҳи).

ХУЛОСА

1. КНЯКда касалликнинг босқичига қараб асосий клиник-функционал таққослама ташхислаш мезонлари аниқланди, яъни статик периметрияга биноан: касаллик ривожланишига кўра МД кўрсаткичининг прогрессив пасайиши ва PSD кўрсаткичи ортиши; ОКТ га кўра ТПНТ ва НРХ қалинлиги 2-ва 3- гуруҳларда ошиши, 4-гуруҳда ушбу кўрсаткич пасайиши, ЧКП маълумотларига қараганда P100 латентлиги кўрсаткичи ошиши, амплитудаси ўзгариши аниқланди.

2. МРТ текшируви касаллик этиологиясига қараб таққослама ташхис ўтказиш имкониятини берди ва риносинуситлар, ҳамда демиелинизация ўчоқларини аниқлади. МР-трактография ёрдамида 4-нейрон зарарланиши, яъни кўрув ёйи нерв толаларининг юпқаланиши, бир қисмининг узилиши ҳамда ФА кўрсаткичининг пасайиши ва ИКДнинг ортиши КНЯКда дегенератив жараёнининг 3 нейрондан 4 нейронга тарқалишидан далолат берди.

3. Эрта нейропротектор даволашни комплекс даволашга кўшиш КННли беморларда клиник-функционал ва кўз тубининг объектив кўрсаткичларини яхшилаш имконини бериб, 79,7% ҳолда КНДнинг гиперемия босқичида, 68,4% бўртиш босқичида, 50% ишемик босқичида ва 13,6% КНДнинг атрофия босқичида ижобий натижаларга эришилди.

4. КНЯКни босқичларини тўғри таққослама ташхислаш учун статик периметрия (сезувчанлиги 84%), ЧКП ва ОКТ (сезувчанликлари 92,9% ва 90,1%), ва шу билан бирга бош мия МРТ ва МР-трактографиясини (сезувчанлиги 82%) қўллашдан иборат замонавий ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилди.

5. КНЯК ни патогенетик асосланган даволаш принциплари ишлаб чиқилди, уларга касалликнинг босқичларига кўра дифференциал ёндашув, этиологик ва яллиғланишга қарши даволаш, эрта нейроҳимояловчи даволаш принциплари киритилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017 Tib.30.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ

ХАМРАЕВА ГАВХАР ХУСАНОВНА

**КЛИНИКО – ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И
ОБОСНОВАНИЕ КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ
ЗАБОЛЕВАНИЙ ЗРИТЕЛЬНОГО НЕРВА**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете министров Республики Узбекистан B2017.1.PhD/Tib48.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте усовершенствования врачей

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Касимова Мунирахон Садикжановна,**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Young Kwang Chu**
доктор медицинских наук
Бузруков Ботир Тулкинович
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Нью-Йоркский оптометрический Государственный Университет (США)**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017 Tib.30.01. при Ташкентской медицинской академии (адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № __) (адрес: 100109, Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./факс: +99871-150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2017 г.).

Ш.И. Каримов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, заслуженный деятель науки РУз, академик АН РУз и РАН, доктор медицинских наук, профессор

Р.Д. Суннатов

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Ф.А. Бахритдинова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Совершенствование методов диагностики и лечения воспалительных заболеваний зрительного нерва (ВЗЗН) на сегодняшний день в мировом масштабе представляют особую значимость. По данным Всемирной организации здравоохранения, в структуре причин глазной инвалидности осложнения ВЗЗН составляют 28%. Распространение этого заболевания среди трудоспособной части населения, тяжелое течение, в 20-40% случаев развитие атрофии зрительного нерва (ЗН) приводит к развитию необратимым нарушениям зрительных функций. В более чем 22% случаев развивается потеря трудоспособности и инвалидность, тем самым снижается качество жизни больных¹. В сфере научных исследований определение особенностей течения различных стадий ВЗЗН, установление этиопатогенеза воспаления ЗН и оптимизация способов лечения остаётся одной из важнейших проблем в офтальмологии.

В мире разработка новых высокоинформативных и доступных методов диагностики ВЗЗН становится одной из важнейших медицинских задач. Клинические проявления перехода заболевания в результате поражения нервных волокон в атрофическую стадию с побледнением ДЗН на глазном дне не точны и свидетельствуют о необратимости процесса, а также диагностируются поздно. На сегодняшний день методы определения подобных нейродегенеративных процессов на глазном дне недостаточно изучены, что определяет первоочередность изучения проблемы ранней диагностики данного заболевания. Выбор тактики лечения ВЗЗН до настоящего времени был затруднён полиэтиологичностью заболевания, сложностью патогенеза и назначением нейропротекторных препаратов после стадии острого воспаления. Согласно литературным данным к этому времени безвозвратно погибает более 36% нервных волокон². В связи с этим, совершенствование методов ранней диагностики и разработка высокоэффективных методов лечения ВЗЗН остаются актуальными.

За годы Независимости в нашей стране для коренного улучшения качества оказания медицинской помощи населению проводятся целенаправленные мероприятия. Применение современных высокотехнологичных методов диагностики в глазных стационарах привело к положительным результатам. В этой связи в нашей Республике проводятся клинические научные работы, посвященные изучению факторов риска, этиопатогенеза, диагностики, лечению и профилактики заболеваний ЗН³. В результате осуществленных мероприятий уменьшились рецидивы заболевания на 18%, снизилась степень инвалидности из-за осложнений заболевания на

¹ Fathi Afify, Nabil Hussein, Sayed El-Zayat. Early changes in the normal appearing white matter by diffusion tractography in patients with acute demyelinating optic neuritis// Nature and Science 2015;13 (5) P. 175-180.

² Visual Function 15 Years after Optic Neuritis A Final Follow-up Report from the Optic Neuritis Treatment Trial. / Optic Neuritis Study Group //Ophthalmology. 2008. V.115. P.1079-1082.

³ Камиллов Х.М. Дифференцированный подход к диагностике отечных состояний диска зрительного нерва / Новые технологии в офтальмологии: Сб. тезисов межд. науч.-практ. конф. 2008. Ташкент. 2008. С.38.

34%. Несмотря на проводимые целенаправленные мероприятия в системе здравоохранения, в офтальмологии остаются ряд задач требующих своего решения. Принятие в 2017 году в Республике Узбекистан пяти приоритетных стратегий развития, в особенности его четвертого направления по социальной защите населения и по усовершенствованию системы здравоохранения считается основополагающим⁴. Согласно этого, ранняя диагностика и совершенствование лечения ВЗЗН является одним из приоритетных направлений в офтальмологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан Указ №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» за № ПП-1652 от 28 ноября 2011 года, «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. На сегодняшний день изучена клиника и диагностика НЗН при рассеянном склерозе (Романова Е.В, 2002), предложена компьютеризированная система диагностики патологии ЗН (Иойлева Е.Э., 2002), определено клиническое значение ультразвукового исследования в диагностике НЗН (Курицына О.А., 2004), определена роль топографического картирования зрительных вызванных потенциалов в диагностике заболеваний зрительного пути (Кривошеев А.А., 2008), определены факторы риска и возможности прогнозирования хронического течения ретробульбарного неврита демиелинизирующего характера (Костив В.Я., 2009), усовершенствовано обследование зрительного анализатора при рассеянном склерозе (Коваленко А.В., 2010). Несмотря на значительное число исследований патогенетические процессы, приводящие к развитию ВЗЗН и стадийность заболевания, изучены недостаточно.

В Узбекистане проведены ряд научных исследований в этом направлении. Ранняя диагностика и дифференциальная диагностика патологий зрительного нерва проводится в Республике Узбекистан под руководством Героя Узбекистана, д.м.н., профессора Х.М. Камилова. Профессором и его учениками (Касимова М.С., 2009) решены проблемы дистанционной периметрии, компьютеризации базы данных воспалительных и ишемических поражений ЗН. Однако, исследования по интерпретаций показателей клинико-морфологических методов диагностики при ВЗЗН не проводились.

⁴ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

